



# TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

Маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал  
1996 йилда ташкил этилган.

2019/4-son

Тахрир кенгаши раиси:  
Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири  
**Маджидов Иномжон Уришович**

Тахрир кенгаши раиси ўринбосарлари:

Абдурахманов О.К.  
Холмухamedov M.M.

**Бош мухаррир:**  
Б.Х. Раҳимов

Ривожлантириш маркази директори

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

Ибрағимов И.У.  
(бош мухаррир ўринбосари)

Бегимкулов У.Ш.

Иноятов М.М.

Холиков А.Ж.

Исмаилов Б.М.

Базаров О.Х.

Бузрукхонов С.М.

Ризаев Ф.Х.

Туробжонов С.М.

Марахимов А.Р.

Ходиев Б.Ю.

Умурзоков ў.П.

Рахимов F.X.

Сирожиддинов Ш.С.

Шукуров Э.Х.

**Жамоатчилик кенгаши аъзолари:**

Пардаев А.Х.

Рахманов Х.Ш.

Шарипов Ш.С.

Эшмуродов А.Т.

Хайдаров О.А.

Аллаберганов Р.К.

Рахимова У.А.

Курбанов Ш.Э.

Ризаев Ж.А.

Муталов Ш.А

Ибрағимов М.М.

Нишонов Х.М.

Мирсаатова М.С.

Матякубов А.

Иноятов Ф.Ш.

Каримов К.Х.

Бабаходжаев С.Н.

Шарипов К.А.

Абдураҳмонов Қ.Х

**Тахририят:**

Вахидов У. – масъул мухаррир,  
Усманова Д. – дизайнер,  
Мухторов А. – саҳифаловчи.

## MUNDARIJA

### MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYA VA MA'RIFIY ISHLAR

**А.К. Қодиров.** Маънавий-маърифий фаолиятнинг ижтимоий-педагогик масалалари ..... 3

**Н.Ш. Юнусова.** Маънавий маданиятнинг дидактик хусусияти .. 7

### KADRLAR MALAKASINI OSHIRISH

**Ж.Д. Маткаримова.** Кадрлар салоҳиятини ошириш ва бошқариш сиёсати ..... 11

**К.И. Ахметова.** Мониторинг эффективности процесса повышения квалификации педагогических кадров ..... 15

### SOG'LOM AVLOD – KELAJAGIMIZ POYDEVORI

**С.С. Тажибаев.** Ўсмир таэквондочиларни (ВТФ) маҳсус жисмоний тайёргарлигига ҳаракатли ўйинларни қўллаш самарадорлиги ..... 20

**М.Ж. Абдуллаев.** Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида шугулланувчи ёш қиз болаларнинг жисмоний тайёргарлиги оширишда ҳаракатли ўйинларни қўллаш аҳамияти ..... 24

**B.R. Boltaev.** Maktabgacha ta'lif muassasasi tarbiyalanuvchilarini barqaror rivojlanishida musiqiy-ritmik harakatlarning ahamiyati ..... 27

### ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA VA O'QUV JARAYONINI LOYIHALASH

**A. Masharipov.** Jismoniy madaniyat darslari samaradorligini oshirishda zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalardan foydalanish ..... 32

**M.J. Saidova.** Boshlang'ich sinflarda matematika ta'limida innovatsion texnologiyalaridan foydalanishning didaktik tamoyillari va uning asosi ..... 36

**С.Ж. Тураев.** Физика фанини ўқитишида C++ дастурлаш тили ва microsoft excel дастури имкониятларининг қиёсий таҳлили .... 40

**У. Ходиев.** Касб-хунар колледжлари ўқувчиларида рақобатбардошлик феноменининг ижтимоий-педагогик жиҳатлари ..... 44

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИДА  
ШУГУЛЛАНУВЧИ ЁШ ҚИЗ БОЛАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ  
ТАЙЁРГАРЛИГИ ОШИРИШДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ  
АҲАМИЯТИ**

**ВАЖНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МОБИЛЬНЫХ ИГР В ПОВЫШЕНИИ  
ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ ДЕВОЧЕК В СПОРТИВНЫХ ШКОЛАХ  
ДЕТЕЙ И ПОДРОСТКОВ**

**THE IMPORTANCE OF THE USE OF MOVEMENT GAMES IN  
IMPROVING THE PHYSICAL FITNESS OF YOUNG GIRLS ENGAGED IN  
SPORTS SCHOOLS FOR CHILDREN AND ADOLESCENTS**

**М.Ж. Абдуллаев** – доцент,  
Бухоро давлат университети

**Аннотация**

*Мазкур мақолада бошлангич тайёргарлик босқичида шугулланувчи ўсмир спортчиларнинг жисмоний техник-тактик ва психологик тайёргарликларида ҳаракатли ўйинларнинг самарадорлигини аниқлаши юзасидан ўtkазилган тадқиқотлар таҳлил қилинган.*

**Калим сўзлар:** ўсмир спортчилар, ҳаракатли ўйинлар, жисмоний тайёргарлик-, техник-тактик тайёргарлик, психологик тайёргарлик.

**Аннотация**

*В данной статье проанализированы результаты исследований по определению эффективности применения подвижных игр в физической, технико-тактической и психологической подготовке юношей, занимающихся на этапе начальной подготовки.*

**Ключевые слова:** юноши, подвижные игры, физическая подготовка, технико-тактическая подготовка, психологическая подготовка.

**Annotation**

*In this system, the results of studies on determining the effectiveness of mobile games in physical, technical and tactical, and psychological training of young men involved in the initial training phase.*

**Key words:** youth, mobile games, physical training, technical and tactical training, psychological training

**Долзарблиги:** Президентимиз Шавкат Миromонович томонидан жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилмоқда [1]. Шу ўринда болалар спортининг ўрни ҳам бекиёсdir. Юртбошимиз томонидан берилаётган эътибор миллат генофондини соғломлаштириш-, ёшларимизни жисмоний тарбия ва спорт турларига жалб қилиш, уларнинг келаҗакда мамлакатимиз шарафини жаҳон ареналарида муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар бўлиб етишиши-ни- таъмин-ламоқда.

Биз биламизки, енгил атлетиканинг қисқа масофаларга югуриш тури бутун дунёда оммалашган спорт турларидан ҳисобланади. Спорт натижалари кундан кунга ўсиб бориши бошланғич тайёргарлик босқичида қисқа

масофаларга югурувчи ўсмирларни йиллик тайёргарлик машғулотларини оптималлаштиришни тақозо этмоқда.

Енгил атлетика назарияси ва услубияти соҳасида кўплаб олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари ўtkазилган [2; 124-б., 9; 143-б]. Ўtkазилган тадқиқот ишларида бошланғич тайёргарлик- босқичида шугулланувчи ўсмир енгил атлетикачиларимиз яхши спорт натижасига эриша олмаганлиги- машғулот жараёнини такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра, ўсмир спортчиларнинг тўлақонли жисмоний ривожланиши ва уларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш, спорт турининг

дастлабки техник ҳаракатлари элементларини- ўзлаштириш учун пойдевор айнан бошланғич тайёргарлик босқичида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ экан [4; 290 бет].

Юқоридагиларни инобатта олган ҳолда ўсмир енгил атлетикачиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш аҳамиятини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Тадқиқот ишимизда илмий-услубий адабиётлар таҳлили, сұхбат, педагогик кузатув усулларидан- фойдаланилди.

Еш спортчиларнинг ўқув-машғулотлари жараённан- ҳаракатли ўйинларни қўллаш самарадорлигини-аниқлаш юзасидан ўтказилган илмий текшириш ишларида кўришимиз мумкин.

М.А.Қурбонова томонидан волейбол спорт турининг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилган ҳалқ ҳаракатли ўйинларидан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этиш катта самара бериши тажрибада асослаб берилган. Қуйидаги тестларда натижаларнинг жиддий ўсиши кузатилади;

а) жисмоний тайёргарлик бўйича:  
-ўғил болаларда: юқори стартдан 30 м.га югуриш-0.57 с, жойидан туриб баландликка сакраш-13.11 см, тўлдирма тўпни (1кг) икки қўллаб бош ортидан тик турган ҳолда улоқтириш-2.43 м.б) техник тайёргарлик бўйича:-ўғил болаларда: пастдан тўғри тўпни киритиш аниқлиги, тўпни қабул қилиш ва уни 6 - зонадан 3 - зонага етгазиб бериш-25%.в) тактик тайёргарлик бўйича:-ўғил болаларда: 3 - зонадан 4 - ёки 2 - тўп узатиш (орка билан туриб). Топшириқ бўйича шу зонадаги ўйинчилар зарбли уришни таъкидловчи ҳаракатларни бажариш-26.7% [6; 127-б]. Эркин курашда бошланғич спорт ихтисослашуви босқичида ҳалқ ҳаракатли ўйинларидан фойдаланиш шуни кўрсатадики, ёш курашчилар-нинг- дастурни безарап эгаллашлари учун умумий вақт сонига нисбатан тахминан 18 дақиқа вақтни ҳар бир машғулотда ихтисослаштирилган- ҳаракатли ўйинларга ажратиш керак. Оддий техник ҳаракатларни-самарави ўзлаштириш учун тўрт хилдаги 3 дақиқали ўйинларни комбинацион ўналишдаги иккита ўйин билан бирга ўтказиш етарли бўлади. Ёш курашчиларни ўргатища қўлланган маҳсус ҳаракатли ўйинлар умумий жисмоний

тайёргарликдан кўра маҳсус тайёргарликка кўпроқ самарави таъсир этиши аниқланди. Бу ерда “хужум” ва “химоя” сигналларига реакция қилиш тезлигига ва айниқса техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичларида аниқ статистик ишончли фарқлар ( $P<0.05$ ) кузатилади [3; 22-б.].

Ўйин усули ва маҳсус йўналишга эга ўйин воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган машғулотлар ёки қилич-бозлар маҳсус сифатларини самарави ривожланишига ёрдам беради ( $P<0.05 - 0.001$ ).

Ўйин ва ўйин машқларининг- қўлланиши шуғулланувчиларнинг жисмоний ва маҳсус тайёргарликлари-, тезлик-куч сифатлари, чидам-лилик-, ҳаракат координацияси-, шунингдек-, санчишлар аниқлиги ва қуролни бошқариш тезлигига ( $P<0.05-0.001$ ) биргалиқда таъсир кўрсатади [8; 23-б.].

Тадқиқот натижаларига асосланиб, 9-11 ёшдаги болаларнинг югуриш тезлигини ошириш учун ҳалқ ҳаракатли ўйинлари мажмуасининг оптималь тузилмаси ишлаб чиқилди.

Энди шуғулланаётган ёш енгил атлетикачиларнинг ҳар томонлама жисмоний тайёргарлиги тузилишида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишда қуйидаги нисбатлар тавсия қилинади; тезлик-куч қобилиятларини такомиллаштиришга- қаратилган- ҳалқ ҳаракатли ўйинлари 40%; - чидамлиликни ривожлантиришга 20%; - тезликни ривожлантиришга 20%; - чакқонликни- ривожлантиришга- 10%; - реакция- қилиш тезлигини ривожлантиришга - 10%.

9-11 ёшдаги болалар билан ўтказиладиган жисмоний тарбия дарсларига умумий машғулот вақтига нисбатан 25% ҳажмда ҳаракатли ўйинлар мажмуаларининг киритилиши ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик даражасини ва биринчи навбатда, югуриш тезлигини ишончли ( $p<0.01$ ) оширишга имкон берди.

С.С.Тажибаев (2017) томонидан ўтказилган тадқиқот ишида бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 11-13 ёшли боксчиларнинг спорт тўгаракларини ташлаб кетиш сабаблари ва спорт билан шуғулланишга бўлган мотивацияси аниқланган [7; 52 бет]. ёш боксчиларнинг маҳсус жисмоний тайёргарлигини аниқлаш дастури ишлаб

чиқилди ва бошланғич тайёргарлик босқи-  
чидан шуғулланувчи ёш боксчиларнинг уму-  
мий, махсус жисмоний тайёргарлиги ва  
жисмоний ривожланишининг ёшга хос дина-  
микаси аниқланди;

харакатли ўйинлар ва бокс спортига хос  
харакат фаолиятлари биокинематикаси ўзаро  
таққосланиб, ҳаракатларнинг ўхшашлиги  
аниқланган-;

бошланғич тайёргарлик босқицида шу-  
ғулланувчи- ёш боксчиларнинг ҳаракат тай-  
ёргарлигига қўлланиладиган ҳаракатли  
ўйинлар табақалаштирилди-, ўйинларнинг  
шиддати ва ҳажми меъёрлари аниқланиб,  
уларни ўқув-машғулотлар жараёнига татбиқ  
этиш методикаси ишлаб чиқилиб самарадор-  
лиги педагогик тажриба йўли орқали асослаб  
берилган.

Илмий-услубий адабиётлар таҳлили ва  
бошланғич тайёргарлик босқицида шуғул-  
ланувчи енгил атлетикачиларнинг ўқув-ма-  
шғулотлар жараёнида ўтказилган педагогик  
кузатишлар натижасида мазкур спорт тури  
билан шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятини  
инобатга олган холда уларнинг жисмоний,  
техник-тактик ва психологик тайёргарлигига  
харакатли ўйинларни қўлланил- маслиги-  
аниқланди.

Олинган маълумотларга таянган холда  
қўйидаги хуносаларга келинди.

Ҳаракатли ўйинлардан мақсадли фой-  
даланган- холда 9-11 ёшдаги ўсмир енгил  
атлетикачиларни- тайёрлаш тизими самара-  
дорлигини ошириш методикасини ишлаб  
чиқиши- ва тажрибада асослаб бериш;  
Ўсмир енгил атлетикачиларни жисмоний  
ва психологик тайёргарлигига- қўлланила-  
диган ҳаракатли ўйинларни назарий ва амалий  
таснифлаш.

9-11 ёшдаги енгил атлетикачиларни умумий  
ва махсус жисмоний тайёргарлигининг ёшга  
хос динамикаси хусусиятларини аниқлаш.

Бошланғич тайёргарлик босқицида  
шуғулланувчи ўсмир енгил атлетикачиларни-  
ўқув-машғулотлари жараёнида ҳаракатли  
ўйинларни қўллаш методикаси мазмуни ва  
йўналишини ўрганиш.

Табақалаштирилган ҳаракатли ўйинлардан  
фойдаланган холда 9-11 ёшдаги енгил  
атлетикачиларнинг ҳаракат тайёргарлигини  
oshiриш методикасини- ишлаб чиқиш ва  
тажрибада асослаб бериш зарурати мавжуд.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президен-  
тининг 2017 йил 9 мартағи “Ўзбекистон  
спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида  
(Япония) ўтказиладиган- XXXII Олимпия  
ўйинлари ва XVI Паралимпия ўйинларига  
тайёрлаш ҳақида”ги ПФ-2821-сон Фармони.*

2. *Андрис Э.Р., Құдратов Р.Қ. Енгил атле-  
тика / Т.- 1998 – 124 с.;*

3. *Балдаев К.В. Подвижные игры на  
этапе начальной спортивной специализации  
в вольной борьбе. Автoreф. дисс....кан.пед.  
наук.-М., 1986. - 22с.*

4. *Волков Л.В. Теория и методика детского  
и юношеского спорта. Киев Олимпийская  
литература. 2002. – 290 с.;*

5. *Құдратов Р.Қ., Енгил атлетика /  
дарслик. – Тошкент. 2012. 367, б.;*

6. *Курбонова М.А. Бошланғич тайёргарлик  
даврида ёш волейболчиларни танлаш ва  
машғулот жараёнида халқ ҳаракатли ўйин-  
ларидан фойдаланиши. Пед.фан.ном. дисс.  
Тошкент. 2006. -127 бет.*

7. *Тажибаев С.С. Ёш боксчиларни  
тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни  
қўллаш методикаси. Пед.фан.бўй.фал.док.  
PhD] диссер... автореферати ,Т.: 2017, 52  
бет.*

8. *Фель В.А. Игровой метод развития  
специальных качеств фехтоваль-щиков в  
группах начальной спортивной подготовки.  
Автoreф. дис. ... канд. пед. наук.-Минск. 1989.  
-23c.*

9. *Шакиржонова К.Т., Тухтабоев Н.Т  
Основы техники, методика обучения и  
тренировки в беге на короткие дистанции. –  
Т.: 2012.-й 143 с.*